

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.01.2020. Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АҲМЕДОВА НОДИРА МУХТОРЖОНОВНА**

**ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК  
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Аҳмедова Нодира Мухторжонова**

Интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий  
тайёргарлигини такомиллаштириш.....3

**Ахмедова Нодира Мухторжонова**

Совершенствование профессиональной подготовки будущих учителей  
на основе интегративного подхода.....24

**Ahmedova Nodira Muhtorjonovna**

Improving professional development of the future teachers based on an  
integrative approach.....46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.01.2020. Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АҲМЕДОВА НОДИРА МУХТОРЖОНОВНА**

**ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК  
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИгини  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped498 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Аҳмедова Лайло Толибжановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Нурманов Абдиназар Ташбаевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (99871) 276 -79-11; факс: (99871) 276-80-86.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (99871) 276 -79-11.)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ҳ.Джураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., академик

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**А.Х.Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш сифатини интегратив ёндашувлар асосида ошириш шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашуви ва жаҳон ҳамжамиятида ривожланишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, уни амалга ошириш механизмлари таълим жараёнига тадбиқ этилган. Кадрлар тайёрлаш жараёнини интегратив ёндашувлар асосида халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, таълим мазмуни сифатини тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан ҳамоҳанглигини таъминлаш ҳамда педагогик, дидактик имкониятларини чет тилларни ўрганишнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш асосида кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги сифатини таъминлаш, таълим жараёнини моделлаштириш, лойиҳалаштириш, касбий тайёргарликни интегратив ёндашувлар асосида такомиллаштириш, ўқув жараёнига маданиятшунослик ва маданиятлар аро касбий сифатларни ҳамда шахсий компетенцияни риволантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга бўлажак ўқитувчиларга инглиз тилини ўқитиш ва касбга тайёрлашни умумевропа CEFR малака талаблари асосида олиб бориш, таълим сифатини халқаро даражага кўтариш, хорижий тил кўникмаларини ривожланиш даражасини диагностикасини амалга ошириш, модулли таълимни йўлга қўйиш, ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, инглиз тили ўқитувчиси профессионалигини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини халқаро малака талаблари асосида ташкил этиш, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда хорижий тилларда эркин мулоқот қила оладиган мутахассислар сифатида тайёрлашда жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенг фойдаланишнинг меъёрий асослари яратилди ва моддий-техник базаси бойитилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Халқаро таълим стандартларини жорий этиш ва таълим сифатини баҳолаш асосида олий таълим муассасалари фаолияти сифати ва самарадорлигини ошириш”<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланди. Натижада, олий таълим муассасаларида тилларнинг фанларга интеграциялаштирилган ҳолда ўргатиш имконияти кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

“Чет тилларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни манавий ахлоқни ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизнинг қатор педагог олимлари, жумладан, Р.Х.Джўраев, Р.Г.Исянов, Я.Исмадияров, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, М.Б.Уразова, Ш.С.Шариповнинг тадқиқотларида таълим сифатини оширишни режалаштириш ва назорат қилиш, ижодий тафаккурни шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш муаммолари ва ижодкорлик мазмуни татқиқ этилган. С.Ю.Ашурова, Ш.Абдураимов, Б.С.Абдуллаева, У.Ш.Бегимқулов, Ш.Э.Қурбанов, Н.А.Муслимов, Р.А.Мавлонова каби олимлар томонидан таълим жараёнидаги интеграциянинг психологик-педагогик, методик муаммолари ва уларнинг ечимлари ўрганилган.

Олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш масалаларига оид илмий изланишлар Л.Т.Ахмедова, Г.Бакиева, М.Гулямова, Ж.Жалолов, Х.Маматқулов, Ф.М.Рашидова, Т.К.Саттаровлар томонидан олиб борилган.

Ўқитувчининг методологик маданияти, касбий фикрлаши, методик рефлексиясини шакллантириш ва интеграция муаммолари В.С.Безрукова, К.Э.Безукладников Н.И.Вьюнова, И.А. Зимняя, В.Краевский, А.В.Малёв, С.Д. Смирнов кабиларнинг илмий ишларида асосланган.

Хорижий давлатларда ўқитишни интегрatív мазмундаги билимлар асосида ташкил этиш, D.Coste, V.North ва J.Trim, March T, Tomlinson B,каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда M.Canale ва M. Swaim алоқа нутқ тизимларининг назарий-методологик асосларини исботлаш, янги стандартларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир таълим босқичи учун ишчи услубий қўлланмаларни яратган ҳамда ўқув материали методик асосларини ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш, ҳаётийлигини таъминлаш масалаларини ўрганган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан (ЎУМ) фойдаланиш ва уларни

такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак ўқитувчи касбий тайёргарлиги мазмунини такомиллаштиришнинг назарий-методологик (интегратив) асосларини аниқлаш;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал (касбий) шахсини шакллантиришга йўналтирилган касбий тайёргарликнинг амалий-йўналтирилган моделини такомиллаштириш;

Давлат таълим стандартлари ва умумевропа (CEFR) талаблари асосида бўлажак ўқитувчиларининг касбий компетенциялари ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаоллик даражаларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** – интегратив ёндашув асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** – бўлажак инглиз тили ўқитувчилари касбий тайёрлигини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат, тест); педагогик тажриба-синов, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги мазмунининг таркибий қисми бўлган коммуникатив ва методик компетенциялар компонентларини (мақсадли, мотивацияли, мазмунли-инструментал ва рефлексив баҳолаш) касбий тайёргарлик омиллари (таълимий эҳтиёж, интегратив ёндашув, таълимда амалий қўллаш)ни аниқлаш натижасида нутқ компетенциясини шакллантиришга асосланган инновацион ёндашувлар ривожлантирилган;

амалий машғулотлар самардорлигини таъминлаш технологиялари (jigsaw, POPS formula, TRIZ, podcasting)нинг педагогик имкониятлари нутқ кўникмалари (гапириш, ўқиш, ёзув ва тинглаб тушуниш) ҳамда касбий компетенциялар тизими интеграциясини диагностик лойиҳалаш ва модулли таълимга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак чет тили ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлик фаолияти (ўқитувчилик, методистлик, тарбиячилик ва тадқиқотчилик) функциялари касбий тил фаоллиги даражасини баҳолашнинг мотивацион, когнитив ва касбий мезонларини комплекслаш, ўзини-ўзи коррекциялаш ва ҳиссиётли-қадрли муносабатлари мутахассисликка мос, касбга йўналтиришга асосланган тизимлаштирилган ва дастурлаштирилган ахборот таъминоти такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг чет тилини С1 даражасида ўзлаштириш модели касбий тайёргарликни ривожлантиришнинг тилшунослик, ижтимоий-маданий ва прагматик таркибий қисмларини таълимга анъанавий ва интегратив ёндашувлар бўйича талабаларнинг қизиқишлари ва ижтимоий-коммуникатив, ўқув фаолияти ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш мотивларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Интегратив ёндашувга асосланган таълим муҳитида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёргарлик фаолиятига босқичма-босқич йўналтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида 5111400 –“Нутқ малакалари интеграцияси” фанининг ўқув дастури ва ўқув-методик мажмуаси, ўқув модуллари такомиллаштирилган;

компетенциявий, мотивацион ва интегратив ёндашувга асосланган ҳолда инглиз тили йўналиши 1-, 2- курс талабалари учун “Нутқ малакалари интеграцияси” фанидан электрон ўқув қўлланма тайёрланган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги тизими, жумладан, амалий йўналтирилган ва тажриба-синов учун танланган инновацион технологиялар таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Методологик ёндашувлар, методларнинг республикамиз ва хорижда яратилган педагогика ва чет тилига оид илмий ва илмий-методик тадқиқотлар, амалиётчи-ўқитувчиларнинг тажрибасига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўллангани, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, тажриба-синов иши самарадорлигининг математик статистика методлари билан асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти интегратив ёндашув асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги, халқаро илғор тажрибалар; инглиз тилини ўқитиш моҳияти, мазмуни ва инновацион таълим технологиялари такомиллаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларининг чет тили таълим йўналиши учун ўқув дастурлари мазмуни тадқиқот натижалари асосида такомиллаштирилгани, бакалавриат таълим йўналишлари учун “Нутқ малакалари интеграцияси”, “Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси” фанларидан ўқув қўлланмалар ҳамда дарсликларни яратишда фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларда касбий тайёргарликни интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари:

Бўлажак ўқитувчиларда касбий тайёргарликни интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида: бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги мазмунининг

таркибий қисми бўлган коммуникатив ва методик компетенциялар компонентларини (мақсадли, мотивацияли, мазмунли-инструментал ва рефлексив баҳолаш) касбий тайёргарлик омиллари (таълимий эҳтиёж, интeнратив ёндашув, таълимда амалий қўллаш)ни аниқлаш натижасида нутқ компетенциясини шакллантиришга оид таклифлардан 2018 йил 3-майдаги 05/2352-сон билан тасдиқланган бакалавриятнинг хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) таълим йўналиши Давлат таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг ижтимоий коммуникатив ва эркин мулоқотга киришиш жараёнининг ўсишига эришилган;

амалий машғулотлар самардорлигини таъминлаш технологиялари (jigsaw, pops formula, TRIZ, pod casting)нинг педагогик имкониятлари нутқ кўникмалари (гапириш, ўқиш, ёзув ва тинглаб тушуниш) ҳамда касбий компетенциялар тизими интеграциясини диагностик лойиҳалашга оид тавсиялар А.1-197 рақамли “Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан (ЎУМ) фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” номли грант доирасида белгиланан вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон маълумотномаси). Натижада, тил ўрганиш истагида бўлган бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг нутқ кўникмалари интеграцияси асосида касбий тайёргарлиги ўсишига хизмат қилган;

бўлажак чет тили ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлик фаолияти (ўқитувчилик, методистлик, тарбиячилик ва тадқиқотчилик) функциялари ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг чет тилини С1 даражасида ўзлаштириш моделини такомиллаштиришга оид тавсиялар “English lexicology” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғи, 285-108 рақамли гувоҳномаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 89-03-2209-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини баҳолашнинг мотивацион, когнитив ва касбий фаолият мезонлари дидактик тамойиллар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика ва 16 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 162 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар берилган.

Диссертациянинг **“Интегрatív ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг назарий-амалий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларида касбий тайёргарликни ривожлантиришга доир педагогик заруриятлар, бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий коммуникатив жараёни, касбий тайёргарлигини таъминлашнинг педагогик-психологик йўналишлари ва интегрatív ёндашувга таяниш имкониятларини такомиллаштиришнинг хусусиятлари ҳамда муаммонинг назарий ва амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Тадқиқотлар кўрсатадики, мамлакатимиз педагог олимлари А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимкулов, Р.Жўраев, Н.С.Сайидахмедов, Ш.С.Шарипов, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, З.К.Исмоилова, Э.Р.Юзликаева, М.Б.Уразованинг илмий ишларида ҳам олий таълим муассасаларида таълимни интенсифлаштириш ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан таълим жараёнидан кенг фойдаланиш, таълим муассасаси ўқитувчиларининг компетенцияси ва унга қўйиладиган дидактик талаблар, ушбу атаманинг мазмун ва моҳияти унинг таркибий қисмлари, шаклланиш босқичлари, таълим самарадорлигини таъминлашда мотивациянинг ўрни ҳақидаги инновацион ёндашув; илмий тадқиқотда эмпирик ва назарий ғояларнинг бирлиги ва бошқа муаммоларнинг илмий-назарий асослари ўз аксини топган. Замонавий тадқиқотларда касбий таълим энг янги касбий ахборотларни ўзлаштириш учун шароит яратиш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш, таълим олувчининг шахсини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришга кўмаклашиш, талабалар онгида бўлажак касбий фаолиятнинг яхлит манзарасини яратишга қаратилган мураккаб жараён сифатида қаралади. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги соҳасидаги тадқиқотлар дидактик интеграция талабларнинг субъектлигини ривожлантириш, ҳамда Н.Д. Гальскова, А.В. Гвоздева, Е.Н. Соловова, Т.М. Фоменколар томонидан чет тил таълимида инновацион ёндашувлар тизимлаштирилиб таълимнинг рефлексив характери ҳақидаги илмий тасаввурларнинг ривожланишига ҳисса қўшдилар.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда интегрatív ёндашув мутахассисликка оид билим, амалий иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифат ҳамда фазилатлар яхлитлигини таъминлаш учун қўлланади. Интегрatív ёндашув мазмунан туташ, алоқадор, мантикий бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирига сингиб чуқурлаштирувчи ва кенгайтирувчи ўқув фанларини

интеграциялаш учун қўлланиб, яхлит мантикий мукамал билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифатларни шакллантиришдан иборат.

Рус тили изоҳли луғатида «интеграция» - лотинча «integration» сўзидан олинган бўлиб, «integr» тўлиқ яхлит, бир бутун деган маънолар англатади; Интеграция-ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, бир бутун қилиб бирлаштирмақ, яхлит ҳолга келтирмақ экани таъкидланади. Интеграция турли хил қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёнидир. Интеграция жараёнлари ташкиллаштирилган тизимларда бўлиши мумкин – бу ҳолда улар тизим бутунлик даражасини ва ташкиллаштирилган даражасини кўтаради.

Диссертацияда педагог олимларнинг фикр мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу атамани қуйидагича изоҳланди: интеграция – у ёки бу касб эгасига керак бўладиган тарқоқ билимлар мажмуини яхлит ҳолга келтириш ва вақт меъёрларини креативлик асосида сарф этиш маҳоратидир. Интегратив ёндашув эса бўлажак ўқитувчининг чет тил таълим шароитида талабаларнинг мутахассисликка оид билим, кўникма, амалий иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифат ҳамда фазилатларни яхлитлигини таъминлаш хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ҳамда уларга таълим-тарбия бериш мақсад ва вазифаларига мос қулай таълим муҳитини ташкил этишга қаратилган яратувчанлик ва изланишли-тадқиқотчилик фаолиятидир.

Интегратив ёндашув амалда педагогик жараённинг исталган компонентлари, исталган ҳодиса ва предметлар: моддий ва идеал объектлар (тушунчалар, принциплар, ғоялар, концепциялар, назариялар); фаолият (усуллар, методлар, кўникмалар, малакалар, технологиялар); шахс (ҳолатлари, сифатлари, хусусиятлари, мотивлари) бўлиши мумкин.

Диссертацияда интеграция қуйидаги мақсадли вазифалари ётадиган йўналишларга ажратилди: кўп предметлиликни бартараф қилиш; мавзуни (бўлимни, бутун курсни) ўрганиш вақтини қисқартириш; такрорланишларни бартараф қилиш; таълим технологиясини ўзгартириш; таълим олувчи шахсининг ривожланиши учун нисбатан мақбул шароит яратиш; таълим олувчилар ва педагогларнинг ривожланишини тезлаштиришни рағбатлаш. Интеграция йўналишлари билиш ва педагогик жараённи ташкил қилишда таълим олувчилар ва педагогларда юзага келадиган реал эҳтиёжларни акс эттиради. Бу эҳтиёжлар, ўз навбатида, педагогик жараён қатнашчилари томонидан ўқув материални ўзлаштириш ва бериш давомида аниқланган қарама-қаршиликлардан келиб чиқади.

Таълимни оқилона, оптимал ташкил қилиш ва олиб бориш меҳнатга онгли муносабатни таркиб топтириб, касб-ҳунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади. Шунингдек, бўлажак мутахассисларни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчиларда ўқув амалиётини янги педагогик ва ахборот технологияларини киритган ҳолда ўтказилишни ташкил этиш ва таъминлаш, олий ўқув юрти, фан ва ишлаб чиқаришнинг амалий

тизимларини яратиш ва амалиётга киритиш, илмий-педагогик кадрлар ва мутахассислар талабларининг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияларни ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлик битимлари асосида чет тил таълимининг янги йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва амалга ошириш, дарслик, ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар яратиш талабаларда касбий маданиятни шакллантиришнинг асосий негизи ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган фикрларга таянган ҳолда тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришда интегратив ёндашувнинг ўзига хос хусусияти аниқланди ҳамда анъанавий ва интегратив ёндашувларнинг қиёсий тавсифи ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Таълимга анъанавий ва интегратив ёндашувларнинг қиёсий тавсифи

№	Таълим жараёни элементлари	Анъанавий ёндашув	Интегратив ёндашув
1	Мақсадлар	Билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган	Методик ва коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган
2	Таълим дастурлари (таълим мазмуни)	Давлат таълим стандартини амалга оширади	Касбий-методик дастурларни ўзлаштиришга қаратилган индивидуал йўналиш
3	Таълимни ташкил этиш шакллари	Ўқув соатлари хажмининг аудиторияда 80 % миқдорда ташкил этилиши (тинглаб тушуниш, гапириш, ёзув ва ўқиш)	Индивидуал равишда ишлаш, жуфтликда, кичик гуруҳларда ишлаш
4	Педагогик жараёни ташкил этиш, амалга ошириш методлари	Ўқитишнинг синф-дарс тизими доирасидаги анъанавий методлар	Индивидуал ва интегратив ёндашувга йўналтирилган ноанъанавий методлар
5	Таълим оловчининг касбий фаолият жараёнидаги ўрни	“Тингловчи”, “қабул қилувчи”, “хотирасида сақловчи” ва “амалда қўлловчи”	“Ҳамкор”, “тажриба ўтказувчи”, “тадқиқотчи”, “тил ўрганувчи”
6	Таълимни ривожлантириш технологияларини қўллаш	Таълим технологиялари билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади	Амалий фаолиятда лаёқатлилик ва бир вазиятдан бошқа вазиятга ўтишда ижодий ёндаша олиш компетентлиги ривожланади
7	Мулоқотга чиқиш даражаси	Алоқага кириш жараёни аста-секинлик билан амалга оширилади	Коммуникатив компетенция такомиллашади ва мулоқот жараёни тезлашади.
8	Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш	Билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлигини текширишга йўналтирилган	Мутахассиснинг касбий қобилияти ва шахсий сифатлари ривожланиш даражасини аниқлашга йўналтирилган
9	Коммуникатив жараён	Таржима назарияси ва амалиёти	Тил аспектларини коммуникатив жараёнида ўқитиш
10	Нутқ фаолияти турлари	Амалий фонетика	Тил кўникмаларини ўқитиш
11	Дарсни ташкил этиш	Баҳолашга йўналтирилган	Дарсни режалаштириш ва баҳолаш
12	Компетенция ўрни	Ўқиш, таржима қилиш ва ёзиш	Маданиятлараро компетенцияни ривожлантириш
13	Тил шакллари	Амалий грамматика	Тил кўникмалари интеграцияси
14	Чет тилини халқаро даражада ўрганиш.	Назарий грамматика	Тили ўрганилаётган мамлакатлар тарихи маданияти

Педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлган бўлажак ўқитувчи аввал, педагогика фанининг методологик асосларини, шахс ривожланишининг қонуниятлари ва омилларини, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши даркор. Таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогларнинг кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини чуқур англамоқдалар. Шу сабабли, улар ўз маҳоратларини узлуксиз ошириб боришга, бугунги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштиришга, ижодий меҳнат қилишга интиломоқдалар. Касбга нисбатан бўлажак ўқитувчига қизиқишни вужудга келтириш ўқитувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Касбий таълимни ҳаёт билан боғлаш, уйғунлаштириш, бўлажак ўқитувчининг индивидуал-типологик, ёш даврлари хусусиятлари, техник қобилиятлари, интеллектуал даражалари ва имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки ҳар бир касб шахсдан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, чидам ва сабр-тоқатни талаб қилади. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит-қизларгина мазкур танланган касбга нисбатан яроғли деб топилади. Касб таълими эса худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга.

Тадқиқотлар жараёнида ДТС, таълим йўналиши: хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) бўйича бакалаврият таълим босқичида ўқитиладиган “Нутқ малакалари интеграцияси” модулининг фан дастури, ишчи ўқув дастур мазмуни таҳлил этилди ва мазмунан такомиллаштирилди. Жумладан, юқорида кўрсатилган фанда берилган мавзулар юзасидан интерактив машқлар ишлаб чиқилиб, таълим муассасалари ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлигига оид материаллар, спортга оид материаллар, дунё миқёсидаги экологик муаммолар ва талаба туғулиб ўсган қишлоқ, шаҳар унинг тарихи ва ижтимоий ҳаёт тарзига оид илмий, оммабоп ва бадиий материаллар таълим мазмунига сингдирилди.

Диссертациянинг **“Интегрatív ёндашув асосида бўлажак ўқитувчилар касбий тайёргарлигини такомиллаштириш тизими”** деб номланган иккинчи бобда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларда касбий тайёргарликни интегрatív ёндашув асосида такомиллаштириш имкониятларини оширишда инновацион таълим технологиялари ва уни амалиётга жорий этиш методикаси, коммуникатив компетенцияни шакллантириш, чет тил ўқитишнинг шакл, метод ва воситалари ёритилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини интегрatív ёндашув асосида такомиллаштириш самарадорлигини ошириш имкониятлари инновацион таълим технологиялари асосида амалга оширилди. Жумладан, таълим жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишлари инновацион таълим технологиялар (Jigsaw, POPS formula, TRIZ, Podcasting, “Case-study”, “SMART”, “SWOT”, “Инсерт”) эркин мулоқот ва умумдидактик интерфаол методлари ҳамда технологиялар самарали натижалар берди.

Диссертацияда “Нутқ малакалари интеграцияси” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда касбий тайёргарликни интегрatív

такомиллаштиришга доир интерактив амалий машғулотлар ишлаб чиқилган. Масалан, талабаларни “Гапиришда (speaking)да тўсиқ бўладиган омилларни олиб ташлаш ва коммуникация қилишга ўргатиш методикасини эгаллашларида ёрдам бериш” мавзусидаги амалий машғулот қуйидагича ташкил этилди: “Ақлий ҳужум” методи ёрдамида таянч тушунчаларни аниқлаштириш; “Муҳокама-мунозара” методидан фойдаланиб талабаларни бир мавзу доирасида бахслашиш ва билимларни ўзлаштиришларида ёрдам бериш; Савол-жавоб асосида давра суҳбатини ташкил этиш; “Вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш” методини қўллаган ҳолда муҳокама якунида ўқитувчи вазиятни савол билан умумлаштиради ва таҳлил қилади; “Танқидий фикрлаш” методи ёрдамида бўлажак ўқитувчиларнинг бир савол доирасида мустақил, танқидий фикрини тинглаш.

Бўлажак ўқитувчилари, олий таълим муассасаси педагог кадрларнинг глобаллашув жараёни талабларига мос касбий тайёргарлигини ривожлантириш мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш асосида самарадорлик натижаси аниқланиб баҳоланди ва амалий модели такомиллаштирилди (1-расм).


Мазкур модел жараёни доирасида таълим олган бўлажак ўқитувчилар атрофдагилар билан ўзаро мулоқотда фаоллик ва мустақилликни намоён этдилар, танлаган касбларига масъулият билан ёндашади, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ривожлантириш кўникмаларига эга бўлди, тажриба-синов жараёнида юқорида ижодий фаолликни намоён этди.

Шу билан бирга, бўлажак ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнининг тилшунослик, ижтимоий-маданий ва прагматик таркибий қисмлари интеграцияси лингвистик ресурсларни муайян соҳалар, вазиятлар, шарт-шароитлар ва вазифалар билан боғлаш қобилиятини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, таълимда педагогик кўникмаларни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми коммуникативликдир. Бунда педагогик кўникмаларни шакллантириш жараёнини тўғридан-тўғри ўқитиш технологиясига киритилиши керак. Олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган «Чет тили» дарслиги коммуникатив тарзда йўналтирилган бўлиши, унинг вазифалари бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив ва когнитив эҳтиёжлари билан белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бунда курснинг мақсади умумий, коммуникатив ва профессионал малакани эгаллашдан иборат бўлади.

Юқорида санаб ўтилган коммуникативлик, фанлараро интеграцияни амалга оширишда янги методик усулларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, масофавий таълимни ривожлантириш, инглиз тили малакаларининг интеграцияси доирасида халқаро тажрибалардан фойдаланиш инглиз тилидаги ўқиш, тинглаб тушуниш, оғзаки нутқ, ёзма нутқ, лексика, грамматика ва уларнинг интеграллашган ҳолда машқ қилиш имконини берувчи интеграллашган кўникмаларни ҳосил қилиш вазифаларини келтириб

чикаради. Бунда, лойихалаш, баҳс, мунозара, иншо, тақдимотлар, муаммоли вазиятларга ечим топиш, кичик тадқиқот иши ва бошқа методлар қўлланади.



**1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш модели**

Бўлажак ўқитувчилар инглиз тилини умумевропа компетенцияларига мувофиқ С1 даражада ўзлаштиришлари учун барча тил кўникмаларини

эгаллайдилар. Улар касбий, ижтимоий, кундалик мулоқот жараёнида инглиз тилида тил бирликларининг қўлланиш хусусиятлари ва меъёрлари бўйича билимларини такомиллаштириб ва чуқурлаштириб боради. Шунингдек, тил кўникмаларидан ташқари бир қатор бошқа соҳаларда ҳам қўллаш мумкин бўлган амалий кўникмаларни ҳам ривожлантиради. Чет тилини амалиётда, илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш фаолиятда қўллаш билан боғлиқ бўлган касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштиради, танкидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиради.

Диссертацияда коммуникацион таълимнинг мақсади маърузачининг ўз таълимий мақсадларига эришиши учун зарур бўлган хулқ-атвор қобилиятларини ўргатиш жараёни деб қабул қилинган. Коммуникативлик иш тажрибаси оғзаки ва оғзаки бўлмаган мулоқот даражасига таъсир кўрсатади ва қуйидагиларни амалга оширади:

- алоқа ўрнатиш ва уни сақлаб қолиш имкониятини яратади;
- суҳбатдошлар орасида тўғри таассурот пайдо қилади;
- ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўзининг ишончли позициясига эга бўлади;
- манфаатлар муваффақиятли ҳимоя қилинади;
- ноқулайликлар енгиллаштирилади;
- ўз сўзлари ва ҳаракатларининг сабабларини ва бошқаларнинг реакцияларини тушунади;
- самарали тинглаш ва фаол равишда саволлар бериш;
- онгли равишда оғзаки бўлмаган мулоқот усулларида фойдаланиш.

Бунда мулоқот маҳорати ривожлантирилади, самарали алоқалар ўрнатилади, эришилган билимлар амалиётга татбиқ этилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг олий таълим муассаларида касбий тайёргарлик тизимида мазмуний интеграцияни таъминлаш унинг механизмларини аниқлаш, таълим жараёнида шакллантириладиган компетенцияларни дастлабки дифференциациялаш ва методика фани нуқтаи назаридан аниқлаштиришга асосланади.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёргарлигида коммуникатив компетенция (КК) нафақат билим ва малакаларнинг катта ҳажмини, балки амалий коммуникатив тажрибани ҳам ўз ичига олади, чунки у объектни индивиднинг тил қобилияти назарда тутиладиган мавжудлик нуқтаи назаридан эмас, балки билингив – талаба ва монолингив (ёки билингив) – ўқувчининг тил шахсини шакллантиришига оид мақсадга йўналтирилган жараён сифатида баҳолайди. Бунда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал КК эгаллаши билим, кўникма ва малакалар ҳамда методик фаолиятни амалга ошириш учун уларни амалда реализациялаш қобилиятини ўз ичига оладиган касбий компетенцияни эгаллаш билан бирга кечиши лозим.

Бундан ташқари диссертацияда фанлараро интеграция ва фан ичида интеграциянинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Таълимда фанлараро интеграция ғояси, ўқув предметларининг тузилиши ва мазмунини қайта қарашни, янги дарслик ва қўлланмалар яратишни тақозо қилади. Фанлараро интеграция қондош предметларни умумлаштиришни, бошқа бир

предметлар, айниқса, табиатшунослик ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича сифат жиҳатдан янгиларини ишлаб чиқиш, олдимишга турган асосий вазифага айланиши лозим. Таълимда фанлараро интеграция, шунингдек педагогик технологиялар, жумладан таълимни компютерлаштириш ва ахборотлаштириш каби воситалар муҳим ташкил этувчи сифатида намоён бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаймиз. Бундай технологиялар интеграцияси барча предметлар бўйича уларнинг табиий ёки ижтимоий-гуманитар бўлишидан қатъий назар кенг қўллай олиши ҳозирги замон учун оддий ва табиий ҳоллиги билан тушунирилади.

Хулосаларга таянган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш дастурларини тубдан ислоҳ этиш бошланди. Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари CEFR

(Common European Framework of Reference)ни тадбиқ этиш билан бирга Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Унда чет тилини ўқитишга ихтисослашган таълим йўналишлари битирувчилари олий таълим муассасасидаги тўрт йиллик таълим ниҳоясида ўрганаётган чет тили (инглиз тили) бўйича C1 даражани ўзлаштиришлари минимум сифатида кўплаб давлатлардаги каби белгиланган. Бундан ташқари, тегишли таълим йўналишларининг малака талабларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик билим, малака ва кўникмаларига бериладиган талаблар ҳам ўзгарди.

Диссертациянинг **“Интегрatív ёндашув асосида бўлажак ўқитувчилар касбий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг самарадорлиги”** деб номланган учунчи бобда ўтказилган тажриба-синов ишларининг ташкил қилиниши ва натижалари баён қилинган.

Бўлажак ўқитувчилари касбий тайёргарлигини такомиллаштириш юзасидан тадқиқот ишимиз қуйидагилардан иборат: такидловчи тажриба-синов ишлари, шакллантирувчи тажриба-синов ишлари ва баҳолаш тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов базаси сифатида Тошкент давлат педагогика университет, Жиззах, Қўқон педагогика институтларининг чет тиллари факультетлари танланди. Тажриба-синов ишларига жами 502 респондент яъни бўлажак инглиз тили ўқитувчилари жалб қилинган.

Тажриба-синов ишлари самарадорлиги аниқлашда талабаларни тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди ва уларда интегрatív ёндашув асосида касбий тайёргарликнинг такомиллашганлик даражаси юқори, ўрта, паст даражаларда аниқланди. Тадқиқотлар тажриба-синов ишларида бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга доир ўтказилган тажриба ишларининг самарадорлигини рағбатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни билиш мақсадида махсус сўровномалар ишлаб чиқилди биринчи сўровнома саволлари бўлажак ўқитувчиларнинг ўзини ўзи

ривожлантиришга бўлган қобилиятини аниқлашга қаратилди. Бунда талабалар ўз имкониятларини ўзлари баҳолади. Иккинчи сўровноманинг мақсади бўлажак ўқитувчиларда касбий тайёргарликни интегратив такомиллаштиришни рағбатлантирадиган ва бунга тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга қаратилди. Сўровнома икки блокдан иборат бўлиб, унинг биринчи блокадаги саволлар бўлажак ўқитувчиларда интегратив ёндашув орқали касбий тайёргарликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган омилларни аниқлашга ёрдам берса, иккинчи блоки бунга тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга ёрдам берди.

Бундан ташқари, тадқиқот жараёнида интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаоллигини баҳолаш мезонларини касбий тайёргарлик фаолият функциялари орқали қуйидагича белгилаб олдик: ўқитувчилик (касбий фаолиятга мотивациясини уйғотиш); тарбиячилик (танланган касб талабларига ўзининг мослигини англаш мазмун ва моҳияти); методистлик (ўзини-ўзи касбий фаолиятда такомиллаштириш ва касбга аниқ йўналтириш) ва тадқиқотчилик (ўз касбидаги янгиликларни кўздан кечириб туриш ва ўз устида ишлаш) каби функцияларлар асосида тажриба-синов ўтказилди ва натижалар мотивацион, когнитив, касбий-фаолиятли мезонлар асосида баҳоланди. Қуйидаги самарадорлик натижалар кўзда тутилди: педагогик-психологик билим савияси, қобилияти, жаҳонда ва мамлакатимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини эътиборга олиш; ўрганилаётган тил хусусиятидан келиб чиқиб замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, инновацион технологиялар ҳамда хорижий тажрибалар, илмий ғоялар, интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиси касбий тайёргарлигини такомиллаштириш ва уни амалиётга жорий этиш.

Санаб ўтилган мезонлар қуйида машқ ва топшириқлар асосида келтирилади:

матнни тингланг ва бўш ўринларни тўлдиринг (listen to the text and complete the sentences below) кичик гуруҳларда (жуфтликларда) суҳбат ташкил этинг (make up conversation with small group);

аралаш матнни ўқинг ва мос шаклда жойлаштиринг (read mixed text and put suitable form);

берилган матнга фикрингизни баён этинг (write idea according to the text);

муаммоли воқеани тингланг ва унга муносабатингизни ёзинг (listen to the problematic event and write relations);

берилган расмдаги вазиятни тасвирланг ва мулоҳаза қилинг (describe situation in picture and reflect it);

матнни ўқинг ва қайси фан билан интеграция бўлганини аниқланг (read the text and determine which science is integrated with English language) берилган матнга хулоса ёзинг (write summary according to the text);

матнни тингланг ва ўзингиз ҳам матн тузинг (listen to the text and make up text);

матнни ўқинг ва шерингизга ҳикоя қилиб беринг (read the text and tell it to the friend);

ҳикояни ўқинг ва режа тузинг (read the story and make up plan) мавзуга доир иншо ёзинг ижодкорлик билан (write essay according to the theme with creation).

Тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичида юқоридаги интерактив машқлар ва топшириқлар орқали шуни англаш мумкинки талабаларда нутқ малакалари интеграцияси етарлича интегратив ёндашув орқали ўтилмаётганлиги сезилиб қолди ва уларнинг билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлари етарлича баҳоланмаётганлиги, таълим мухити яратилмаётганлиги ва нутқ фаолияти турлари интеграциялаштирилиб қўлланмаётгани кўриниб қолди.

